Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 27 август, № 176 (9347) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛ-ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРДА

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ ватандошларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда давлатимиз раҳбари йиғилганларни улуғ ва мўътабар айём — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий табриклади.

— 35 йил — тарих учун жуда қисқа давр. Лекин ортда қолаётган йиллар ўзининг кўлами, ютуқ ва натижалари билан асрга татигулик давр бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз таъкидлаганидек, мазкур ўзгаришларнинг ҳақиқий муаллифи — меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз.

Мустақилликнинг қадр-қиммати қишлоқда ризқ-рўзи яратаётган фермер ва деҳқонлар, фарзандларга таълим-тарбия бераётган устозлар, инсон ҳаётини асраётган шифокорлар, янги ғоя ва кашфиётлар устида изланаётган олимлар, замонавий корхоналар барпо этаётган саноатчи ва тадбиркорлар меҳнатида намоён бўлади.

Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларни обод қилаётган қурувчи ва архитекторлар, маданият, санъат ва спорт соҳаси вакиллари, ислоҳотлар ижросини маҳалла ва хонадонларга етказаётган давлат хизматчилари, жойларда одамларни эзгу мақсадлар атрофида бирлаштираётган нуронийлар ва маҳалла фаоллари, юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини таъминлаётган ҳарбийлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимизга 160 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция кириб келди, иқтисодиёт ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 180 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 5 миллион 700 мингта доимий иш ўрни яратилди.

Давлат ва хусусий сектор иштирокида 1 миллион 500 минг ўринли мактаблар, 342 минг ўринли мактабгача таълим ташкилотлари ва 62 минг ўринли шифохоналар барпо этилди. 83 минг километрлик умумий фойдаланишдаги ички йўллар қурилди ҳамда таъмирланди. 8 миллион аҳоли яшайдиган хонадонларга илк бор марказлашган ичимлик суви етказиб берилди, яна 11,5 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ўтган ўн йилда 650 минг оила янги уй-жойга эга бўлди.

— Янги Ўзбекистоннинг энг катта натижаси бу ўзгарган инсон, ўз кучига ишонган фуқаро, эртанги кунга дахлдорлигини ҳис қилаётган жамиятдир, — деди Президентимиз.

Ана шу эзгу ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонларнинг 558 нафари мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

— Ҳар бирингизнинг машаққатли меҳнат йўлингиз, эришган ютуқларингиз, юртимиз тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссангизни жуда яхши биламан, — деди Президентимиз.

Мукофотланганлар орасида Хоразм вилоятида кўп йиллар давомида бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшиб, бугун нуронийларга бошчилик қилаётган Рустам Султонов, Сурхондарёда чўлларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни ривожлантиришга умрини бағишлаган меҳнат фахрийси Абдусаттор Қурбонов бор.

Бекобод металлургия комбинатида узоқ йиллардан буён пўлат эритувчи бўлиб ишлаётган Ғуломжон Туроновнинг “Хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони билан тақдирланган бутун металлурглар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Пахтачилик ва ғаллачиликда юксак натижаларга эришиб, ўз мактабини яратган наманганлик Илҳом Зиёвуддинов, йил давомида пилладан юқори ҳосил олаётган бухоролик Жамила Худойбердиева, чорвачиликда илғор технологияларни жорий этиб, наслчиликни ривожлантираётган қорақалпоғистонлик Эсенбай Айтимуратов ҳамда сув йўқотишларини камайтириш ва энерготежамкор тизимларни татбиқ этишга ҳисса қўшаётган самарқандлик ирригатор Асланқул Каримқуловнинг меҳнати муносиб эътироф этилди.

Президентимиз давлат мукофотини олган ҳар бир инсоннинг меҳнати ва кўрсатган жасорати алоҳида эътирофга муносиб эканини таъкидлади.

Шу кунларда жойларда унвон, орден ва медалларни қабул қилиб олаётган юртдошларимизга ҳам самимий табриклар айтилди.

Маросимда мамлакатимиз етакчи мукофотларни ўз эгаларига тантанали равишда топширди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларни намоён этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон**ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **852** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **604** нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, **115** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **52** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, **81** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **7** нафарини чет эл фуқаролари, **49** нафарини аёл, **37** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **375** нафарини ёшлар ҳамда **63** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА.

Эътироф

МУКОФОТЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг тегишли фармонларига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Кеча Олий Мажлис Сенатида ушбу унвон, орден ва медалларни ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Мукофотланганлар орасида давлат хизматчилари, олимлар, педагоглар, шифокорлар, спортчилар, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маданият ва санъат ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари бор.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, давлат мукофотлари нафақат юртимиз тараққиётига қўшилган муносиб ҳиссанинг юксак эътирофи, балки ҳар бир соҳада сидқидилдан меҳнат қилаётган юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантирувчи муҳим рағбатдир. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида бундай юксак эътирофнинг аҳамияти янада ортиб, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатнинг қадрланаётганини кўрсатади.

Тақдирланганлар Президентимизнинг юксак ишончи ва эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, ушбу мукофотларни ўз меҳнатларига берилган катта баҳо сифатида қабул қилишларини таъкидлади. Улар бундан буён ҳам ўз касбига садоқат билан ёндашиб, Янги Ўзбекистон тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида муносиб ҳисса қўшишларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат дастури:

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2026 йил биринчи ярмида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала бойича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ахборот берди.

Давлат дастури ижроси ялпи мажлисга қадар сиёсий партиялар фракциялари ва Қонунчилик палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида мураккаб ва юқори ноаниқликлар сақланиб қолаётган шароитда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этиб, ЯИМ ҳажми 1 072,7 триллион сўмга етди. Саноатда — 8, хизматлар соҳасида — 9,2, қурилишда — 13,7, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш қайд этилди.

2

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР РЎЁБИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Жаҳондаги барча озод миллатлар қатори халқимиз учун ҳам тенгсиз неъмат — Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган эзгу шиор ва янада улкан мақсадлар билан кутиб олмоқдамиз.

Албатта, бундай шукуҳли кунлар босиб ўтган тараққиёт йўлимизга назар ташлаш, эришилган натижаларни холис баҳолаш ва замон чақириқларига мос тарзда янги вазифаларни белгилаб олиш имкони ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан, зиммасига қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини, давлат ҳамда жамиятнинг манфаатларини ишончли ҳимоялашга ҳисса қўшишдек шарафли вазифа юклатилган прокуратура тизимининг бугунги фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қайд этиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямиздаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амалиётда ўз инъикосини топиши, давлат органлари билан муносабатларда юзага келадиган ноаниқликларнинг инсон фойдасига талқин қилиниши каби муҳим қоидалар прокуратура учун ҳам ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Шу боис аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиш, сайёр қабуллар ўтказиш, муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва энг муҳими, фуқаронинг бузилган ҳуқуқини амалда тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3

Фахр

ЎЗБЕКИСТОН ТАНҲО, ВАТАН ЯГОНА

Юртим бор тоғи чўнг, фалакда боши,
Бепоён қучоғи халқларга макон.
Қўшиғимнинг авжи, сўзим қуёши,
Ўзинг Ўзбекистон, жонажон Ватан.

Шоирлар жамолинг таърифлаш учун
Гўзал ташбеҳ излаб овора бўлган.
Ўзинг борликдаги энг сулув очун,
Эллар атрофингда сайёра бўлган.

Ҳуснингдан қамашар қуёшнинг кўзи,
Дунё севган Самарқанд, Бухорони.
Янги Тошкент — буюк Шарқнинг юлдузи,
Амир Темур — жаҳон соҳибқирони.

Колумбдан беш юз йил аввал дафъатан
Беруний кашф этган Американи.
Ал-жабр — Хоразмий очган илм-фан —
Алгоритм забт этган беш қитъани.

Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг
Дунёда юксалди олий мақоми.
Янгилигин айтсам, гўзал бўстоннинг,
Жўшар шоирларнинг назмий илҳоми.

Бунёдкор, танти халқ ўттиз беш йилда
Кўрсатди ақл ва бирдамлик кучин.
Мустақиллик номли ишончли йўлда
Бари инсон учун, келажак учун.

Қўлни қўлга бериб, интилди олға
Бир мақсад йўлида бирлашган инсон.
Бу диёр макондир турли халқларга,
Мақсад бир, ният бир, ягона Ватан.

Қанча довонлар бор, кутмоқда бизни,
Юрт бахтли келажак сари равона.
Ер юзи таниди кимлигимизни,
Ўзбекистон танҳо, Ватан ягона.

Толе берди шундай юксак имконни,
Бу элга ҳамиша бахтлар йўлласин.
Тангри ёрлақасин Ўзбекистонни,
Сиздай раҳнамони Худо қўлласин!

Кенгесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 27 август

Янги Ўзбекистон иқтисодиёти:

РАҚАМЛАР ВА УЛАР ЗАМИРИДАГИ МОҲИЯТ

Ўттиз беш йил. Бу — тарих учун қисқа, аммо инсон умрига нисбатан салмоқли давр. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугун биз олдимизда турган вазифаларга янгича нигоҳ билан қарай оламиз. Чунки амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмуни ва натижаларини рақамлар билан эмас, инсон ҳаётидаги таъсири орқали баҳолаш имконияти пайдо бўлди.

Юксалиш одимлари

Айниқса, сўнгги ўн йиллик Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсди, инвестициялар кўпайди, ташқи савдо айланмаси кенгайди, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ортди. Аммо иқтисодиётнинг асл мазмуни уларнинг ортидаги инсон тақдирида. Янги иш ўрнига эга бўлган йигит-қиз, ўз ишлаб чиқаришини кенгайтирган тадбиркор, янги технологияни ўзлаштирган муҳандис, экспорт бозорига чиққан фермер, оиласи даромади ошган оддий фуқаро — иқтисодий ислоҳотларнинг ҳақиқий қиймати, аввало, ана шу инсонлар ҳаётида намоён бўлади.

2017 йилдан бошланган иқтисодий либераллашув мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Айниқса, валюта операцияларининг эркинлашиши иқтисодий фаоллик учун янги имкониятларни кенгайтирди. Жаҳон банки ҳам Ўзбекистоннинг ташқи савдо ва валюта тизимининг либераллаштирилишини мамлакат иқтисодиётининг очилишида муҳим омиллардан бири сифатида баҳолади.

Иқтисодиётдаги либераллашув фақат валюта операцияларининг эркинлашуви эмас, балки ишонч муҳитининг шаклланганидир.

Тадбиркор давлатга ишонса, сармоя киритади. Инвестор қонун устуворлигини ҳис этса, узоқ муддатли лойиҳани бошлайди. Фуқаро ўз меҳнати натижа беришига инонса, ташаббус кўрсатади. Демак, иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим капитали — ишонч.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Авваллари хорижий инвестиция деганда кўпинча катта завод, йирик корхона ёки табиий ресурслар соҳаси кўз олдимизга келар эди. Бугун эса инвестиция тушунчаси анча кенгайди. Бу — технология ва янги иш ўрни, замонавий бошқарув маданиятию экспорт бозорларига чиқиш имконияти. Бу — маҳаллий мутахассисларнинг янги билим ва кўникмаларни эгаллаши ҳамда маҳаллий корхоналарнинг халқаро таъминот занжирларига кириши демак.



2025 йил 1 декабрь ҳолатига Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 17,9 мингтага етган. Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра бу кўрсаткич сўнгги беш йилда 1,9 баробар ошган. 2025 йил якунида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 591,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бу 2024 йилдагига нисбатан 10,5 фоиз кўп. Шу йили хорижий инвестициялар ва кредитлардан фойдаланиш ҳажми 34,5 млрд. долларга етди. Бу кўрсаткичларнинг ўзиёқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция жараёнлари қандай катта кўламга чиққанини кўрсатади.

Эътиборли жиҳат шундаки, хорижий капитал тобора кўпроқ саноат, қурилиш, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, хизматлар, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига кириб бормоқда. Бу диверсификация мамлакат иқтисодиётининг ташқи таъсирларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Маълумотларга кўра 2025 йил ноябрь ойи ҳолатида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг энг катта қисми савдо ва саноат соҳаларида фаолият юритган.

Навбатдаги вазифа бу жараённи янада чуқурлаштириш, инвестицияларни юксак технологияли, экспортбоп ва юқори қўшилган қийматли соҳаларга йўналтиришдан иборат.

Биз кўпинча мамлакатимизнинг табиий ресурслари, қулай географик жойлашуви ва катта ички бозори ҳақида гапирамиз. Албатта, буларнинг барчаси муҳим. Лекин бизнинг энг катта инвестициявий устунлигимиз — инсон капитали ва унда мужассам бўлган тадбиркорликка интилиш, муҳандислик ва техник салоҳият, янги билим ҳамда технологияларни тез ўзлаштириш қобилиятию замонавий касбларга қизиқиш.

Ана шу капитал сифат жиҳатдан юксалтирилса, мамлакатимизга кириб келаётган ҳар бир инвестициянинг самараси бир неча баробар ортади. Шунинг учун мактаб таълими, олийгоҳ, касб-ҳунар тайёргарлиги, рақамли кўникмалар, хорижий тиллар, муҳандислик ва замонавий менежмент масалалари иқтисодий сиёсатнинг четида эмас, балки марказида бўлиши керак. Чунки келажакни, аввало, билимли, малакали ва ташаббускор инсонлар барпо қилади.

Бугун олдимизда давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, рақобатни кучайтириш, энергетика соҳасида бозор механизмларини чуқурлаштириш ва инфляцияни пасайтириш каби қатор мураккаб вазифалар турибди. Қолаверса, банк тизимида хусусий сектор имкониятларини кенгайтириш, экспортчилар сонини ошириш, хусусий инвестицияларни кўпайтириш ва муносиб иш ўринларини яратиш сингари масалалар ижроси ҳам ниҳоятда долзарб.

Бу вазифаларнинг ҳар бири катта масъулият ва изчилликни талаб қилади. Жаҳон банки ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ҳали катта даражада капитал инвестицияларига таянаётганини, энди эса хусусий сектор, технология, рақобат ва меҳнат унумдорлигига кўпроқ таяниш зарурлигини таъкидламоқда. Бу ёндашувнинг маъқул жиҳати шундаки, узоқ муддатли тараққиётни фақат кўпроқ маблағ сарфлаш билан эмас, кўпроқ қиймат яратиш билан таъминлаш мумкин.

Замонавий иқтисодиётда давлатнинг асосий вазифаси бозорда ўзи асосий ўйинчи бўлиш эмас, балки ўйин қоидаларини адолатли белгилаш ва уларнинг ҳамма учун бир хил ишлашини таъминлашдир. Инвестор ўз маблағини киритаётганда эртанги кунни кўра олиши, тадбиркор эса давлат идораси билан ортиқча маъмурий муносабатларга эмас, ўз маҳсулоти ва хизматининг сифатига эътибор қаратиши керак. Ана шунда ҳақиқий бозор иқтисодиёти учун мустаҳкам пойдевор яратилади.

Ушбу жараёнда парламентнинг вазифаси фақат қонун қабул қилиш билан чекланмаслиги лозим. Қонуннинг ҳаётда қандай ишлаётганини кўриш, унинг натижасини таҳлил этиш ҳам муҳим. Парламент назоратининг асосий йўналишларидан бири ҳам ана шу — қонуннинг қоғозда эмас, ҳаётда ишлашини таъминлаш.

Сўнгги ўн йиллик бизга бир ҳақиқатни кўрсатди: иқтисодиёт очилса — бизнес фаоллашади; рақобат кучайса — сифат ошади; инвестиция учун шароит яратилса — капитал келади; тадбиркорга ишонч билдирилса — янги иш ўринлари пайдо бўлади; технология кириб келса — меҳнат унумдорлиги ошади. Муҳими, бу жараённи изчил давом эттириш, эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва ортга қайтмаслигини таъминлашдир.

Бугун биз ҳақли равишда Ўзбекистон иқтисодиёти ўзининг янги босқичига чиқди дея оламиз. Ўтган 2025 йилда реал ЯИМ 7,7 фоизга ўсди. Инвестициялар кўпайиши давом этмоқда. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 17,9 мингтага яқинлашди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 591,1 трлн. сўмдан ошди.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати рақамларда эмас, шу рақамларни яратаётган инсонларда намоён бўлмоқда. Ана шу инсонларнинг ишончи, меҳнати ва салоҳияти — мамлакатимизнинг энг катта капитали. Уни асраш, кўпайтириш ва келажак авлодга янада кучли ҳолда етказиш эса барчамизнинг умумий бурчимиздир.

Кобулжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Давлат дастури:

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ



1 Давлат бюджети харажатлари 205,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, шундан 105,8 трлн. сўм ижтимоий соҳаларга йўналтирилди.

Инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам юқори натижалар қайд этилди. Биринчи ярим йилликда 28,1 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилдагига нисбатан 134 фоиз ўсди.

Депутатлар томонидан ушбу натижалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодий ўсишни, аввало, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандликни таъминлаш, даромад манбаларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалий самараси экани алоҳида эътироф этилди. Бу, айниқса, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш борасидаги натижаларда яққол намоён бўлмоқда.

Ҳисобот даврида 506 минг киши доимий ишга жойлаштирилди, 2 млн. 616 минг одамнинг даромади оширилиб, 546 минг нафар норасмий банд фуқаронинг фаолияти легаллаштирилди. Маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган 104 мингта микролойиҳа ишга туширилиб, улар орқали 246 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Кўрилган чоралар натижасида ишсизлик даражаси йил бошидаги 4,8 фоиздан 4,5 фоизга камайди. Камбағаллик даражаси 4,5 фоизга тушди. 2 756 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилди. “Ижтимоий реестр”даги 227 мингта камбағал оилага даромадини оширишга қаратилган 300 мингта хизмат кўрсатилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини бизнесга кенг жалб этиш бўйича кўрилган чоралар туфайли 37,8 мингга яқин янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

Муҳокамаларда депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, давлат дастурида белгиланган айрим вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш, ҳудудларда мавжуд иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Халқ вакиллари давлат дастури ижросининг натижадорлигини янада ошириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, ҳудудларда яратилаётган иш ўринларининг барқарорлиги ва даромадлилигини мунтазам баҳолаб бориш, камбағалликни қисқартириш чораларини ҳар бир маҳалланинг аниқ эҳтиёж ва имкониятларидан келиб чиқиб манзилли ташкил этиш, кичик бизнес ва микролойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш таклиф этилди.

Депутатлар дастур ижросини фақат миқдорий кўрсаткичлар билан эмас, балки амалга оширилган чора-тадбирларнинг аҳоли ҳаётига таъсири, яратилган иш ўринларининг барқарорлиги, маҳаллаларда даромад манбаларининг кўпайиши ва одамларнинг кундалик турмушидаги реал ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш муҳимлигига эътибор қаратди.

Масъул вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ижро интизоми ва масъулиятини янада ошириш, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан қатор муҳим ва долзарб саволлар ўртага ташланди. Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Муқаддасхон Аҳмедова фермер ва сув истеъмолчиларини белгиланган лимитлар асосида сув билан таъминлаш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани билан қизиқди. Мазкур саволга сув хўжалиги вазири ўринбосари Миролимжон Каримов жавоб бериб, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Фарҳод Зайниев ҳисоботда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ишларини давом эттириш бўйича тегишли таклифлар киритилгани ва топшириқ ижроси таъминланганини қайд этиб, уйжой коммунал хўжалиги соҳасида айнан қайси давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш режалаштирилаётгани ҳамда бу ўзгаришлар фуқаролар учун қандай енгиллик ва имкониятлар яратишини сўради. Бу бўйича қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов батафсил маълумот бериб, соҳада амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам ахборот берди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Зуҳриддин Мавлонов мактабларни компьютер синфлари ва интерфаол доскалар билан таъминлаш ишларининг бориши бўйича савол берди. Мазкур масала юзасидан мактабгача ва мактаб таълими вазири Эъзозхон Каримова жавоб бериб, бу борада қилинаётган ишлар, белгиланган режалар ва кутилаётган натижалар ҳақида атрофлича тўхталди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Зулайхо Акрамова ижтимоий реестрга киритилган 227 мингта камбағал оила учун ишлаб чиқилган “Индивидуал режалар”нинг амалий натижалари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган корхоналарга тақдим этилаётган имтиёз ва рағбатлантириш чораларининг самарадорлиги билан қизиқди. Бу масала юзасидан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ботир Зоҳидов батафсил маълумот бериб, амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини изоҳлади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Наврўзбек Юсупов эса чиқиндиларни бошқаришга ажратилаётган маблағлар қандай натижа бераётгани, шунингдек, маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш даражаси неча фоизга кўтарилгани юзасидан савол берди. Мазкур масала бўйича Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги директори Шарифбек Ҳасанов атрофлича тушунтириш бериб, бажарилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар ҳақида маълумот тақдим этди.

Савол-жавоблардан сўнг депутатлар давлат дастурининг 2026 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Профилактика инспекторларининг мақоми қонун даражасида белгиланмоқда

Мажлисда “Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат билан профилактика инспекторининг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда хизматни ўташ тартиби белгиланмоқда. Хусусан, инспекторнинг касбий фаолиятига асоссиз аралашиш, уни хизмат бурчи билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш ва унга қўшимча вазифалар юклашга йўл қўймаслик назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳаси билан профилактика инспекторининг 9 та асосий ва 6 та кўмаклашувчи вазифалари аниқ ва қатъий белгилаб берилмоқда. Жумладан, профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиб, уларга тезкор муносабат билдириши, шахсларни профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратга олиши, умумий, махсус ва виктимологик профилактикани амалга ошириши, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиши, маъмурий ишларни юритиши, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордери бериши, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика ишларини олиб бориши ҳамда жамоат хавфсизлиги ва рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, профилактика инспекторининг қидирув тадбирларида қатнашиши, тегишли органларга профилактика ишларида кўмаклашиши, пробация назоратидаги шахсларни текшириши, қурол ва ўқ-дориларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориши, тақиқланган ва экстремистик гуруҳларга алоқадор шахсларни аниқлашда иштироки ҳамда оилалардаги ижтимоий-маиший муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф қилишда ваколатли органларга кўмаклашиши белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, профилактика инспекторининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. У ҳар чоракда хизмат ҳудудида амалга оширилган ишлар юзасидан аҳоли ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериши белгиланяпти. Аҳолининг профилактика инспектори фаолиятига нисбатан “ишончсизлик ташаббуси”ни билдириш механизми ҳам жорий этилмоқда.

Сайдулло АЗИМОВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳужжатда профилактика инспекторларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини давлат томонидан ҳимоя қилиш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, хизмат ва уй-жой шароитларини яхшилаш, самарали фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантиришга оид кафолатлар ҳам ўз аксини топган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлашга, профилактика инспекторларининг масъулияти ва аҳоли билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.



Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Адлия вазирининг парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди

Мажлисда адлия вазири А. Тошқуловнинг “Аҳолига нотариат соҳасидаги хизматларнинг сифатли ва шаффоф тарзда кўрсатилишини ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида”ги парламент сўровига жавоби ҳам кўриб чиқилди.

Тақдим этилган жавобга кўра сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтини такомиллаштириш, аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш ва соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли фармони билан 2020 йил 1 январдан нодавлат нотариал идоралар фаолият кўрсатадиган бўлди.

Бугунги кунда республикамизда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 1 156 нафар нотариус ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 4 нафар давлат нотариал идораси нотариуси томонидан аҳолига 70 турдан ортиқ нотариал хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Соҳани рақамлаштириш доирасида фуқаролар учун ўзларига яқин нотариусни аниқлаш, навбатга электрон ёзилиш, ишончномани текшириш, электрон мурожаат қилиш, мулкка бўлган тақиқни текшириш имкониятларини берувчи “E-notarius.uz” портали ҳамда мерос ишларини расмийлаштиришда меросхўрлар доирасини аниқлаб берувчи электрон “ШАЖАРА” дастури ишга туширилди. Рақамлаштириш натижасида нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда экстерриториаллик принципи жорий этилди.

Ҳозирга қадар “Нотариус” ААТ 22 та вазирлик ва идоранинг 40 та ахборот тизими билан интеграция қилиниши натижасида фуқаролардан талаб этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳажми 95 фоизгача қисқартирилиб, ушбу ҳужжатларни нотариуслар мустақил равишда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олиш йўлга қўйилган.

Парламент сўровига жавобда келтирилишича, ҳозирга қадар 20 турдаги нотариал ҳаракатларни онлайн амалга ошириш йўлга қўйилган. Илгари онлайн нотариал хизматлардан фойдаланиш учун фуқаролардан БҲМнинг 30 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилган бўлса, 2026 йил июль ойидан онлайн ва офлайн нотариал хизматлардан фуқароларнинг эркин танлов асосида фойдаланишини таъминлаш мақсадида мазкур қўшимча ҳақ бекор қилинган ва хизмат учун тўловлар бирхиллаштирилган. Натижада ўтган бир ойнинг ўзида аҳолининг 9,4 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари тежалишига эришилган.

2023 — 2025 йиллар ва 2026 йилнинг ўтган даврида “Нотариус” ААТ орқали 30 дан ортиқ таҳлил (мониторинг)лар ўтказилиб, қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйган нотариусларга нисбатан белгиланган ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланган ҳамда келгусида қонунчиликни бир хилда қўллаш ва аниқланган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган меъёрлар белгиланган. Шунингдек, доимий равишда таҳлиллар ва нотариал амалиётдаги тушунмовчиликлар юзасидан нотариусларга доимий тушунтиришлар бериб бориш ҳамда янги таҳрирдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирдик.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани таъкидланиб, берилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

Ёшларни зарарли одатлардан асраш – устувор йўналиш

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ҳамда бошқа кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмолининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар самарадорлиги ўрганилмоқда.

Жумладан, ишчи гуруҳ Навоий вилоятида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини, профилактика, эрта аниқлаш ва манзилли ишларни ташкил этиш борасидаги чора-тадбирларни ўрганди.

Хусусан, Кармана ва Навбаҳор туманлари тиббиёт бирлашмаларидаги наркологик хизмат фаолияти таҳлил қилиниб, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар билан олиб борилаётган профилактик, тиббий-ижтимоий ҳамда тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Навоий шаҳри “Хончорбоғ”, “Зарафшон”, “Мустақиллик”, “Олтин водий”, “Бунёдкор” ва “Турон” маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Маҳаллаларда ёшлар ва хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси, Навоий давлат университети ҳамда мактабларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни зарарли одатлардан асраш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этиш, профилактика ишларини манзилли ва тизимли ташкил қилиш, давлат органлари, тиббиёт муассасалари, таълим ташкилотлари, маҳаллалар ҳамда жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Аҳоли билан очиқ мулоқотлар – муаммолар ечимида муҳим омил

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, масъуллар ва аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда Олий Мажлис Сенатининг 18-ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳамда кўриб чиқилган масалаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти тушунтирилди.

Туман Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар раислари ва котибият мудири билан учрашувда эса қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, уларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, Сенат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шундан сўнг сенатор тумандаги ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганди. Аҳоли учун яратилган шароитлар, ички йўллар, ободонлаштириш ишлари ҳамда инфратузилма объектларидаги муаммолар кўздан кечирилди. Аҳоли билан очиқ мулоқотда фуқароларнинг мурожаат ва таклифлари эшитилди. Кўтарилган масалаларни масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш, аҳолига янада қулай шароитлар яратиш ва тумандаги муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар белгиланди.

«Халқ сўзи».

Жорий йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 180 млрд. доллардан ошиши кутилмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР РЎЁБИ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИ



1 Сўнгги бир ярим йилда прокуратура органлари томонидан аҳолининг 335 мингдан зиёд мурожаатлари бевосита ҳал этилди, қабулларда бўлган 197 минг нафардан ортиқ фуқаролар дуч келган муаммолар ечимига кўмаклашилди.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушган 189 мингта мурожаатдаги долзарб масалалар ҳал этилди. Қонунбузилишларга ҳуқуқий баҳо бериш билан бир қаторда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган амалий чоралар кўрилди. Жумладан, ноқонуний ҳужжатларга 660 та протест келтирилди, 55 млрд. сўм зарарни ундириш ҳақида судларга 1 700 дан ортиқ аризалар киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган 557 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 397 та жиноят иши қўзғатилди.

Бу рақамлар, аввало, бир ҳақиқатни кўрсатади, бугун прокуратура фаолиятида асосий эътибор қонунбузилишни қайд этишдан кўра, унинг сабабларини бартараф қилиш, инсон ҳуқуқини тиклаш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Қонун устуворлиги жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини қамраб олгандагина ўзининг ҳақиқий мазмунига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тегишли рўйхатларга ноқонуний киритилган оилаларни улардан чиқариш натижасида 26,7 млрд. сўм бюджет маблағи ортиқча ва асоссиз сарфланишининг олди олинди, аксинча, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган, аммо ҳисобга олинмаган 22 600 дан зиёд оилалар рўйхатларга киритилди.

Ёшлар билан ишлашда ҳам аниқ манзилли ёндашув йўлга қўйилди. “Оғир тоифа”га киритилган қарийб 2 900 нафар ёшга прокуратура органларининг 600 нафарга яқин раҳбар ходимлари масъул қилинди. Натижада 6 260 нафардан зиёд ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммолари ҳал этилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам 44 минг нафарга яқин аёлларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ишлар уларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни қамраб олди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам доимий эътиборда. Зеро, амалга оширилган ишлар натижасида қарийб 160 минг нафар вояга етмаганнинг ҳуқуқлари тикланди.

Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экотуризмни ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти янада кучайтирилди. Бунда табиий экологик муҳитни сақлаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиши ва ноқонуний қурилмалар қурилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор-куз мавсумида жами 347 млн. туп кўчат экилиши таъминланиб, “Yashilmakon.eco” электрон платформасига киритилди.

Жойларда ҳар бир маҳалла кесимида иш ташкил этилиб, маҳаллалар ва аҳоли томорқалари атрофида 25 млн. тупдан ортиқ кўчатлар экилиши ташкиллаштирилди. Қолаверса, бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳам 376 гектар ер майдонида 235 минг туп кўчат экилди ҳамда “прокурор боғлари” сони 145 тага етказилди.

> *“Янги таҳрирдаги Конституциямиздаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амалиётда ўз инъикосини топиши, давлат органлари билан муносабатларда юзага келадиган ноаниқликларнинг инсон фойдасига талқин қилиниши каби муҳим қоидалар прокуратура учун ҳам ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Шу боис аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиш, сайёр қабуллар ўтказиш, муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва энг муҳими, фуқаронинг бузилган ҳуқуқини амалда тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.”*

Маданий мерос ва туризм соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат ўрнатиш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Кўрилган чоралар натижасида маданий мерос объектларининг 3 628 тасига муҳофаза белгилари ўрнатилиши, 1 242 та ёдгорликнинг ҳимоя тегралари белгиланиши, 3 296 тасининг кадастр ҳужжатлари шакллантирилиши ҳамда 3 586 та объектга жамоатчи инспектор бириктирилиши таъминланди.

Бугун тадбиркорлик нафақат иқтисодий фаолият, балки янги иш ўринлари, оилавий даромад ва ҳудудлар тараққиётининг муҳим омилидир. Шунинг учун тадбиркорнинг қонуний фаолиятига асоссиз аралашиш, ортиқча маъмурий тўсиқлар яратиш ёки унинг мулкий ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмаслиги керак.

Шу мақсадда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар, жумладан, хорижий инвесторларнинг қарийб 45 минг нафарига “Тез ёрдам” тамойили асосида амалий кўмак кўрсатилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 15 мингдан зиёд янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, салкам 17,5 мингта тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди ва 44 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, “Ташаббусли бюджет” ва бошқа дастурлар ижросини тўлақонли таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Барча дастурлардаги 9 700 дан зиёд объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қарийб 11 700 та объектни лойиҳалашда асоссиз ҳисобланган 5,5 трлн. сўмлик харажат мақбуллаштирилиб, ортиқча маблағ сарфланишининг олди олинди.

Шу билан бирга, 48,4 млрд. сўмлик сифатсиз ишлар жойида бартараф этилди, қўшиб ёзишларга чек қўйиш бўйича кўрилган чоралар натижасида 52,6 млрд. сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, талон-торож қилинишининг олдини олиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини фош этиш мақсадида самарадорлиги паст ҳамда йўқотишлар юқори бўлган “қизил” ҳудудларда кучайтирилган рейд тадбирлари ташкил этилди. Оқибатда 7 500 дан зиёд ҳолатларда ресурслардан 64 млрд. сўмлик ноқонуний фойдаланиш амалиётлари борлиги аниқланди.

Бюджет тушумлари ижросини таъминлаш, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли усул ва каналларини аниқлаш, уларга барҳам бериш, соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат ўрнатиш орқали бизнесни “соя”дан чиқаришга қаратилган тадбирлар ҳам изчил давом эттирилди.

Жумладан, бозорлар ва автотурарғоҳлардаги яширин айланмаларга барҳам бериш мақсадида “Raqamli bozor” ва “Parking Management System” дастурлари асосида рақамлаштириш тизими йўлга қўйилди. Натижада, 347 та бозор ҳамда 209 та автотурарғоҳ фаолияти тўлиқ рақамлаштирилиб, улардаги ўртача ойлик тушум миқдори 134 млрд. сўмдан 164 млрд. сўмга ёки 122 фоизга ортди.

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида 20 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилиб, уларга 44,5 млрд. сўмлик иш ҳақлари ҳисобланиши натижасида йиллик 128 млрд. сўмлик солиқ базаси яратилди.

Умуман, қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида кўрилган барча чоралар натижасида 883 минг нафардан зиёд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқи тикланди, қарийб 81,5 мингта қонунга зид ҳужжатларга протест келтирилди, 51 470 та тақдимнома киритилди, судларга 3 трлн. сўм зарарни ундириш ҳақида 30 мингтага яқин аризалар юборилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган 125,5 минг нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 18,5 мингга яқин жиноят ишлари қўзғатилди. Прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида 4,7 трлн. сўм зарар ундирилиши таъминланди.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини кучайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Амалга оширилган манзилли профилактик тадбирлар натижасида криминоген вазияти оғир маҳаллалардаги 12 200 нафардан ортиқ фуқаролар ишга жойлаштирилди, қарийб 10 минг нафари касбга ўқитилди ва тегишли йўналишларга жалб этилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий видеокузатув тизимлари, юз ва автомобиль рақамларини таниб олувчи камералар, домофонлар ҳамда “хавфсиз кўча”, “хавфсиз йўлак”, “хавфсиз уй” каби лойиҳалар кенг жорий қилинди. Бу борадаги тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, 58 565 та кибержиноят аниқланиб, барчаси ҳисобга қўйилиши таъминланди. Шунингдек, 23 мингга яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига, етказилган 219 млрд. сўм моддий зарар қопланишига эришилди. Буларнинг барчаси бир мақсадга — инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаётини таъминлашга хизмат қилади.

Қолаверса, суд-ҳуқуқ тизимини, жумладан, прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судловни самарали таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, прокуратура органлари томонидан 2025 йил ва жорий йилнинг 6 ойида қарийб 224 мингта жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштироки таъминланди.

Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб бораётган бир пайтда прокуратура тизими ҳам замонавий бошқарув талабларига мос равишда янгиланмоқда. “Рақамли прокуратура — 2030” стратегияси бу борада муҳим қадам бўлди.

Ҳозирга қадар прокуратура органлари фаолиятига 58 та ахборот тизими жорий қилиниб, давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялар сони 250 тадан ошди. Ушбу тизимлар иш юритувлари, ҳужжат алмашинуви, мурожаатларни кўриб чиқиш, прокурор назорати, терговга қадар текширув, судлар билан электрон ҳамкорлик ва идоралараро ахборот алмашинувини рақамлаштириш имконини бермоқда.

Келгусида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаатларни таҳлил этиш, ҳужжатларни таснифлаш, тергов ва прокурор назорати жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда қарор қабул қилиш механизмларини янада такомиллаштириш режалаштирилган. Бу эса прокуратура фаолиятининг тезкорлиги, очиқлиги ва самарадорлигини ошириш, инсон омилини камайтириш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Коррупция қонун устуворлиги ва адолатга, энг муҳими, давлат ва жамият ўртасидаги ишончга жиддий таҳдид соладиган иллатдир. Шу боис унга қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир.

Бугун коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш ва давлат бошқарувида шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича манзилли “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Масалан, Андижон вилоятидаги Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган “e-outsource.uz” дастури тест режимида жорий этилди. Натижада етказиб берилаётган маҳсулотлар устидан назорат кучайтирилиб, бюджетдан бир йилда ўртача 130 млн. сўм маблағ асоссиз сарфланишининг олди олинди.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси органларида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Департамент томонидан иқтисодий жиноятлар, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилган чоралар натижасида 16 600 дан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 5,2 мингта маъмурий ва 11 470 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида 3 682 та яширин иқтисодий фаолият фош этилиб, 301 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди, валютанинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ 586 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 2,5 млн. АҚШ доллари мусодара қилинди. Мажбурий ижро бюроси томонидан ижро ҳужжатлари бўйича 94,3 трлн. сўм қарздорлик, жумладан, давлат фойдасига қарийб 62 трлн. сўм ундирилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятларни сифатли тергов қилиш ва фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси, аввало, малакали кадрларга боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимизда турли ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар учун ягона ёндашув асосида тергов кадрларини тайёрлашнинг янги тизими йўлга қўйилгани муҳим воқеадир.

Мазкур тизим доирасида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тергов йўналишидаги 220 нафар илк битирувчисига олий маълумот тўғрисидаги дипломлар топширилди ва уларнинг барчаси ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилди.

Қисқа муддатда академияда замонавий таълим инфратузилмаси ихтисослаштирилган аудиториялар, ўқув-имитация хоналари, криминалистика лабораториялари, ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси ва талабалар турар-жойи шакллантирилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат тобора яққол намоён бўлади. Мамлакат тараққиётининг энг муҳим мезони иқтисодий кўрсаткичлар ёки рақамлар эмас, аввало, инсоннинг ҳаёт сифати, ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада таъминланганидир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсон қадрини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли жамият барпо этиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Бинобарин, бундан буён ҳам “инсон — жамият — давлат” тамойили прокуратура органлари учун муҳим дастуриламал бўлиб қолади.

Яна ҳам соддароқ айтганда, бугун прокуратура ходими учун энг асосий мезон аниқланган қонунбузилишлар сони эмас. Энг муҳим натижа — бузилган ҳуқуқнинг тикланган, адолат қарор топгани, қонун устуворлиги таъминлангани ва фуқаронинг давлатга ишончи мустаҳкамланганидир.

> *“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсон қадрини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли жамият барпо этиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Бинобарин, бундан буён ҳам “инсон — жамият — давлат” тамойили прокуратура органлари учун муҳим дастуриламал бўлиб қолади.”*

Мустақилликнинг 35 йиллиги бизга яна бир ҳақиқатни эслатади: истиқлолни асраш ва уни мустаҳкамлаш фақат иқтисодий қудратни ошириш билангина эмас, балки ҳуқуқий давлат ҳамда адолатли жамият барпо этиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Шундай экан, олдимиздаги вазифа аниқ: қонун устувор бўлган, инсон қадри юксак, адолат қарор топган ва халқ рози бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш!

МАҚСАД АНИҚ — МАНЗИЛ ЁРУҒ

Бугунги дунё оғир ва мураккаб синовлар палласини бошдан кечирмоқда. Геосиёсий зиддиятлар кескинлашган, савдо урушлари ва протекционизм авж олган, глобал таъминот занжирлари узилиб, инфляция ҳамда иқтисодий депсиниш кўплаб давлатларни ноаниқлик исканжасига солиб қўйган бир даврда яшаяпмиз. Ҳатто етакчи давлатларнинг иқтисодиётлари ҳам ўсиш суръатини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашмоқда. Айнан шундай шароитда бир давлат довулларо собит турибди, бу — Янги Ўзбекистон.

Акс садо



Бу собитлик тасодиф эмас, давлатимиз раҳбари бошчилигида юритилаётган аниқ мақсадли, прагматик ва инсон қадрини марказга қўйган сиёсатнинг табиий, қонуний самараси. Ташқи дунё қанчалик нотинч бўлмасин, ички тараққиётнинг изчиллиги ана шу сиёсатнинг темир мантиғидир. Бу ҳақиқатнинг энг ёрқин исботини биз мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида яна бир бор кўрдик. 25 август куни мамлакатимизнинг барча ҳудудида бир вақтнинг ўзида 163 та йирик объект ишга туширилди.

Умумий қиймати қарийб 50 трлн. сўмлик 72 та йирик саноат ва сервис лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объекти халқимизга байрам туҳфаси сифатида тақдим этилди. Бу лойиҳалар ҳисобига 15 мингта иш ўрни яратилиб, бюджетга ҳар йили қўшимча 1 трлн. сўм тушум тушиши таъминланади.

Бу рақамлар ортида қуруқ статистика эмас, минглаб оилаларнинг ризқи, ўн минглаб инсонларнинг умиди, бутун бир халқнинг эртанги кунга ишончи турибди. Тадбир айнан шу боис қуруқ маросимга эмас, том маънодаги умумхалқ шодиёнасига айланди. Ҳудудлардаги студияларга йиғилган кенг жамоатчилик, улар орқали эса бутун халқ Президентимизнинг табригини ҳис-ҳаяжон ва қувонч билан тинглади.

Бугунги ютуқларнинг илдизини англаш учун ортда қолган ўн йилга назар солиш кифоя. Шу давр ичида иқтисодиётимиз ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Тармоқларга 160 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, умумий қиймати 76 млрд. долларлик 2 163 та йирик саноат лойиҳаси ишга туширилди, қарийб 6 млн. нафар юртдошларимиз доимий иш ўрни билан таъминланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, сўнгги ўн йил мамлакатимиз тарихида янги уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш босқичи сифатида абадий муҳрланди. Энг муҳими, бу ўсишнинг сифати тубдан ўзгармоқда. Ўзбекистон хомашё сотувчи давлатдан уни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқадиган иқтисодиётга изчил ўтмоқда.

Қувонарлиси, тараққиётнинг табиат билан уйғунлигига қаратилаётган эътибордир. Бугунги лойиҳалар орасида “яшил” энергетиканинг салмоғи ортиб бормоқда. Қорақалпоғистонда 200 мегаваттли шамол электр станцияси ва 100 мегаваттли энергия сақлаш тизими ишга туширилди, Сирдарё вилоятида 1 573 мегаваттли қувват барпо этилди, Навоийдаги янги энергетика лойиҳалари йилига 657 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу иқлим ўзгариши ва ресурс тақчиллиги глобал муаммога айланган асрда келажак авлодлар олдидаги масъулиятни теран англашнинг амалий ифодаси, барқарор тараққиёт фалсафасининг реал натижасидир.

Прагматик сиёсатнинг инсонийлик ўлчови ижтимоий соҳада янада ёрқин намоён бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги лойиҳаларни фақат инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари билан ўлчаш тўғри бўлмайди. Янги ўқув йили арафасида 36 та боғча, 43 та мактаб, 7 та олий таълим муассасаси ва 3 та шифохона фойдаланишга топширилди. Янги Тошкентда ўн гектар майдонда барпо этилган Янги Ўзбекистон университети 7 минг, Қаршидаги замонавий университет эса 3 минг талабани кучоғига олади. Гарвард университети билан ҳамкорликда Ректорлар мактаби иш бошлади, 1 октябрдан Сунъий интеллект институти фаолият юритади, замонавий Миллий кутубхона илм-маърифат маскани сифатида эшик очди. Фарғонадаги янги тиббиёт муассасаси эса йилига 60 минг беморни даволаш имконини беради.

Мана шу прагматик сиёсатнинг асл моҳияти, ҳар бир қарорни инсон фаровонлиги ва юрт ободлиги мезони билан ўлчашдир.

Дунё нотинч, келажак ноаниқ бўлган бир паллада бир ҳақиқат кундек равшан: собит йўл, изчил сиёсат ва аниқ мақсад — булар карра-карра самара беради. Ўзбекистон 35 йил аввал қўлга киритган мустақиллигини бугун янги мазмун, янги марралар билан бойитмоқда. У энди фақат суверенитет эмас, балки ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёти, ҳар бир хонадоннинг тўкин дастурхони, ҳар бир ёшнинг порлоқ келажаги демакдир.

Довулларо собит турган бу юрт Учинчи Ренессанс сари ишонч билан одимламоқда. Бу йўлдаги энг буюк куч эса Президент ва халқнинг ягона мақсад йўлидаги бирдамлигидир. Биз, халқ вакиллари ҳам, албатта, бу йўлда нафақат ишончли ҳамроҳмиз, балки ислоҳотларнинг жадал амалга оширилишида давлат идоралари ва халқимиз билан ҳамжиҳатликда амалий ишлар қилиш, қонун, қарор ва фармонлар ижроси сифатли бажарилишида масъулмиз.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

Муҳокама

МАБЛАҒЛАР САМАРАЛИ САРФЛАНЯПТИМИ?

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиявий қўллаб-қувватланган ташкилотлар дастур ва лойиҳаларининг амалга оширилиш ҳолатига бағишланган муҳокама мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари томонидан қатор ташкилотларнинг ҳисоботлари эшитилди. Тадбирда амалга оширилган ишлар, лойиҳа ва дастурлар доирасида эришилган натижалар, шунингдек, жорий йил учун белгиланган устувор вазифалар юзасидан ахборот берилди.

Муҳокамалар давомида лойиҳаларнинг белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ амалга оширилиши, ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, дастурларнинг натижадорлиги ҳамда ижтимоий таъсири атрофлича таҳлил қилинди.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, лойиҳалар самарадорлигини янада ошириш ҳамда эришилган натижаларнинг барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлис якунида жорий йил охирига қадар белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Эндиликда мамлакатимизда техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаган ташкилотларга белгиланган тартибда кредит берилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 27 август

ЭЪТИРОФ — ИНСОНГА ҚАНОТ

Ватанимиз мустақиллиги айёми арафасида турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлат мукофотларини ўз эгаларига топширди. Айни кунларда ҳудудларда ҳам ушбу юксак эътироф соҳибларига мукофотлар тантанали равишда тақдим қилинмоқда. Шубҳасиз, бу қувончли лаҳзаларда киши қалбини фахр ва ҳаяжон, Ватанга дахлдорлик ва шукроналик туйғулари чулғайди.

Мухбирларимиз ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлган юртдошларимизнинг қувончли таассуротлари ва дил сўзларини ёзиб олди.

Дил сўзи

СУВЧИЛИК — УМР ЙЎЛИМ, АМУДАРЁ — МЕҲНАТЛАРИМ ГУВОҲИ

Жалғасбай УЗАКОВ,
«Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Куйидарё бошқармаси бошлиғи, «Дўстлик» ордени соҳиби:



— Инсон қувончли лаҳзаларда атрофига бир қур назар солади, босиб ўтаётган ҳаёт йўли ҳақида ўйлайди. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланганимни эшитганимда менда ҳам шундай ҳислар кечди. 43 йиллик меҳнат фаолиятимни яна бир бор хаёлимдан ўтказдим. Шу йилларда турли лавозимларда ишлаган бўлсам-да, касбимнинг мазмуни ўзгармади — сув, уни бошқариш ва элга етказиш.

Қорақалпоғистонда сув масаласи оддий хўжалик вазифаси эмас. У деҳқоннинг меҳнати, ҳосил тақдири, аҳоли турмуши билан бевосита боғлиқ.

Амударёнинг “Қипчоқ” гидропостидан қуйи қисмида сувни белгиланган лимитлар асосида тақсимлаш, дарё ўзанини тозалаш ва тўғрилаш, Тахиатош гидроузелига сув оқимини яхшилаш, гидротехник иншоотларни таъмирлаш каби ишлар ҳаётим мазмунига айланиб кетган, десам, айни ҳақиқат.

Ютуқларимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, 2023 — 2025 йилларда Амударё ўзанининг 3,1 километрлик қисми чўкиндилардан тозаланди, гидротехник қурилмалар таъмирланди. Натижада Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида сув таъминоти 10 — 15 фоизга яхшиланди. Бу бир кишининг эмас, балки соҳада меҳнат қилаётган кўплаб мутахассисларнинг биргаликдаги меҳнати самараси.

“Дўстлик” ордени мен учун янада масъулият билан ишлаш, Амударё сувидан оқилона фойдаланиш, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини барқарор сув билан таъминлаш, ёшларга тажриба ўргатиш учун берилган ишончдир.

Амударё кўп йиллик меҳнатимнинг гувоҳи бўлиб келди. Мен учун энг катта натижа эса унинг суви эл-юртга, деҳқон даласи ва инсонлар ҳаётига манфаат келтиришидир.

КАТТА ШАРАФ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Икром АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм Маъмун академияси раиси, биология фанлари доктори, профессор, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:



— Маъмун академияси тарихига назар ташласак, унинг юксалишида ҳукмдорларнинг илм-фанга катта эътибори муҳим ўрин тутганини кўрамиз. Бундан ўн аср муқаддам Хоразм заминида ташкил қилинган бу даргоҳ дунёнинг турли ҳудудларидан етишиб чиққан алломаларни ўзида жамлаган ва жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган илмий мактабга айланган.

Бугун ана шу эзгу анъаналар Янги Ўзбекистонда муносиб давом эттирилмоқда. Президентимизнинг илм-фанга юксак ғамхўрлиги туфайли Маъмун академияси ҳам янги босқичда ривожланиб, илмий салоҳиятини мустаҳкамлаб бормоқда.

Жумладан, сўнгги ютуқларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, олимларимиз томонидан шўрланиш даражаси юқори ерларда ўсишга мослашган, ҳосилдорлиги баланд янги пахта навлари яратилди. Қум шароитида экспортбоп шумгиёҳ ўсимлигини бошқа ўсимликларга инокуляция қилишнинг агротехнологик усули яратилди ва халқаро патент олинди. Германиялик олимлар билан ҳамкорликда тарихий бинолар ва ёғочларнинг асллигини сақлаб қолишнинг илмий услуби яратилди ва Хоразм Маъмун академияси ЮНЕСКО комиссияси томонидан мукофотланди. Илмий жамоамиз эришаётган бундай натижалар талайгина.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан камтарона меҳнатим Президентимиз томонидан юқори баҳоланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти — “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим. Бу мукофот нафақат шахсий ютуқларим, балки жамоамизнинг илмий изланишлари ва фидокорона меҳнатининг юксак эътирофи.

Бунинг учун, аввало, Президентимизга чуқур миннатдорлик билдираман. Ушбу мукофот мен учун катта шараф ва улкан масъулиятдир. Бундан буён ҳам Маъмун академиясининг бой тарихий анъаналарини давом эттириш, унинг илмий нуфузини янада юксалтириш йўлида бор билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.

БИЛИМЛИ МИНГНИ ЙИҚАР

Фарангиз ҒАНИЕВА,
Бухоро туманидаги 30-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:



— Шогирдларим кўп. Уларнинг қизиқиши, интилиши, иштиёқини кўриб, ўқитувчилик касбини танлаганимдан хурсанд бўламан. Айниқса, шогирдлар ютуғини кўришнинг гашти бўлакча.

Мана, мактабимиз битирувчиси Шоҳжаҳон Қобиловни олиб кўринг. У биологиядан республика фан олимпиадасида 1-ўринни қўлга киритди. Янги ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг етакчи тиббиёт институтларидан бирида ўқишни давом эттиради. Дарвоқе, у Наманганда ўтказилган Ибн Сино халқаро олимпиадасида ҳам ишончимизни оқлаган, фахрли 3-ўринни қўлга киритган эди. Шогирдим эришган муваффақиятда камтарона ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Мактабимиз Гулшанобод маҳалласида жойлашган. 560 нафардан зиёд ўғил-қизлар ўқимоқда. Келгуси йилда билим даргоҳимиз учун янги ўқув биноси қуриш мўлжалланган. Табиийки, замонавий лаборатория жиҳозлари ҳам олинади. Бу ҳақда тўхталишимнинг боиси бор. Кейинги йилларда юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор кучайди. Замон талабига мос ўқув бинолари, спорт иншоотлари, кутубхоналар барпо этилмоқда. Ўқитувчининг меҳнати ўз қадрини топяпти. Вилоятимиздаги 151 та умумтаълим мактабида қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилгани фикримиз исботи.

Энг улуғ байрамимиз арафасида давлат мукофоти билан тақдирланганим шижоатимга шижоат қўшмоқда. Зеро, давр ҳар биримиздан фидойилик билан ишлашни тақозо этаётир. Эртамиз эгалари дунёдаги тенгқурлари билан ҳар жабҳада рақобатлаша оладиган бўлиб вояга етсин! Шу мақсад йўлида куч-ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни аямаймиз.

ЖУРНАЛИСТ БАХТИ

Отабек ИСРОИЛОВ,
«Халқ сўзи» газетасининг Тошкент вилояти бўйича мухбири, «Келажак бунёдкори» медали соҳиби:



— Мен бахтиёр журналистман. Аввало, ўз касбим, фаолиятим ва азиз газетамизни яхши кўраман ҳамда бу билан фахрланаман. “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланганим ҳақидаги фармон эълон қилинган кунда журналистик фаолиятим расман бошланганига тўққиз йил тўлган эди ва фаолиятимнинг ўнинчи йиллиги илк дақиқаларданоқ эътироф билан бошланди. Айтмоқчи бўлганим, мен профессионал матбуотчи сифатида иш бошлаган 2017 йилнинг учинчи чораги Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган тарихий ислоҳотлар бошланган даврга тўғри келади. Мана шу ислоҳот ва имкониятлар заминида қалам тебратдим, танқидий-таҳлилий ва бадиий публицистик мақолалар ёздим, шу орқали озми-кўпми эл-юрт тараққиёти учун хизмат қилиб, газетхонлар миннатдорлигига сазовор бўлдим.

Бу мукофотни мени тарбия қилиб, вояга етказган муҳтарам ота-онам ва устозларимга бериладди, десам, асло муболаға эмас. Айниқса, “Машъал” газетасининг 2011 — 2025 йиллардаги бош муҳаррири Толиб Ҳакимовнинг оталарча ғамхўрлигини қайд этиш қарзимдир. Ёдда тутиш лозимки, яхши раҳбар ёмон кадрни ҳам тўғри тарбия қилиб, жамиятга қўшади. Толиб Ҳакимов — менинг шундай раҳбарим бўлган.

“Келажак бунёдкори” медали кўксимга тақилар экан, қуёшнинг бир парчаси жойлангандек бўлди. Офтобнинг бу парчасида она халқимнинг қуёшдай қайноқ меҳрини ҳис қилдим. Журналистнинг бахти шу бўлса, не ажаб?!

ЮКСАК ИШОНЧ ҚАЛБИМГА КУЧ-ҒАЙРАТ БАҒИШЛАДИ

Юсуф ҲАКИМОВ,
«Нуроний» жамғармаси Олтинсой тумани бўлими раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:



— Янги Ўзбекистонда кечаётган янгиланишлар жараёнида инсон омили, айниқса, кўпни кўрган, ҳаётий тажрибаси катта мактаб бўлган фахрийларимизни улуғлаш, уларнинг маҳаллаларда тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрнини ошириш давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган бундай тизимли ғамхўрлик ҳар бир фахрийнинг қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра камтарона фаолиятим юқори баҳоланиб, улуғ мукофот — “Шуҳрат” медали билан тақдирланганимдан чексиз ҳаяжондаман. Ушбу эътирофни туманимизда эл-юрт фаровонлиги, кексалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча нуронийларимиз фаоллигига берилган юксак баҳо деб қабул қилдим.

Юртимизда кекса отахон ва онахонларга берилаётган эътибор, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар биз, фахрийларни янги марралар сари руҳлантиради. Маҳаллаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, навқирон авлодни миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топтириш йўлида бундан буён ҳам камарбаста бўламиз. Биз каби нуронийларнинг жамоатчилик фаолиятини эътиборга олиб, шундай юксак мукофотга лойиқ кўргани учун Президентимизга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Бу юксак мукофот зиммамдаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Бундан кейин ҳам билим ва тажрибамизни халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз ривожи, ёшларимизнинг порлоқ келажаги йўлида бахшида этамиз.

«Халқ сўзи».

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш ижтимоий йўналишдаги давлат сиёсатининг таркибий қисми сифатида қаралаётган бир пайтда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бу борада рақамлаштиришни кучайтириш, сунъий интеллектни қўллаш ҳар қачонгидан-да муҳим.

Тадбир

“Ўзсувтаъминот” АЖнинг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

— Обиҳаёт — бебаҳо неъмат, бежиз уни зарга менгзашмайди. Қолаверса, марказлашган тоза ичимлик суви таъминоти аҳолининг саломатлиги ҳам демакдир, — дейди “Ўзсувтаъминот” бошқаруви раисининг ўринбосари Нодир Хўжамов. — Давлатимиз раҳбари соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тоза ичимлик суви тизимини такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис йил бошидан буён республикамиз бўйича 6,1 трлн. сўм маблағ ҳисобидан 2,2 минг километр тармоқ тортилди ва 116 та иншоот қурилди. Энергия самарадорлигини ошириш мақсадида юқори энергия сарфлайдиган насослар тежамкорига алмаштирилди. Бундан ташқари, жойларда 23 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилди ва бу ҳам ўз навбатида, харажатларни қисқартиришга, давлат маблағларидан янада самарали фойдаланишга туртки бераётир.

Нодир Хўжамовнинг таъкидлашича, рақамлаштиришга асосланган тежамкорлик, замонавий ўлчов воситаларига таянган ҳолда ишлаш давр талабидир. Чунки жўмракни бураган чоғингизда оқиб келадиган сувнинг ҳам таннархи, харажати бор. Шу боис қисқа муддат ичида жойларда 106,2 мингта “ақлли” сув ҳисоблагич ўрнатилди. Масофадан маълумот узатувчи сув ҳисоблагичлар ишлай бошлагани ҳам сув қадрига етадиган истеъмолчиларга маъқул. Муҳими, соҳада йил сайин рақамлаштириш улуши сезиларли даражада ошмоқда. Сув таъминоти тизимини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш мақсадида республиканинг 4 та шаҳар ва туманида геоахборот базалари яратилди.

Оқова сув тизимларида ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Жумладан, 6,3 минг километр оқова сув коллекторлари тозаланди. 2,2 минг километр сув тармоғи ва 1 372 та насос таъмирдан чиқарилди. Соҳадаги техник имкониятларни кенгайтириш учун 72 та янги махсус техника харид қилинди. Мақсад аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини йил якунига қадар эса 83,5 фоизга етказиш.

Тадбирда мутасаддилар журналистларнинг саволларига ҳам атрофлича жавоб берди ва аҳолидан тушаётган ҳар бир мурожаат эътиборда эканлиги, муаммолар ўз вақтида ечимини топаётганини алоҳида таъкидлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Мактабдан олийгоҳгача узилмас ришта

Кўпинча қобилиятли болани мактабда топамиз, баъзан олийгоҳда унинг истеъдоди кўзга ташланмай қолади. Бу ришта нега узилади ва уни қандай мустаҳкамлаш мумкин, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар бир синфда бир нечта ўқувчидан устознинг кўзи қувонади, чунки у саволни ҳаммадан олдин илғайди, ечимни кутилмаган йўлдан топади, олимпиадаларда ном чиқаради. Бугун мамлакатимизда айнан шундай ўқувчилар учун алоҳида имконият яратилган. Аммо ўша иқтидорли бола университет остонасидан ҳатлаб ўтгач, нима бўлади? Аксарият ҳолларда у “ўртача оқим”га қўшилиб кетади ва айнан шу ерда таълимнинг энг нозик риштаси, яъни мактаб билан олийгоҳ ўртасидаги узвийлик узилади.

Таълим ва жамият



Иқтидорли ўқувчи билан ишлаш мактабгача ёшдан бошланиб, мактабда авж олади: қўшимча таълим, табақалаштирилган ўқитиш, олимпиадалар, ихтисослаштирилган мактаблар. Олий таълимга келганда эса манзара ўзгаради — катта оқимга мослаб тузилган дастур, ўртача талабага йўналтирилган услублар ноёб қобилиятни беихтиёр “текислаб” қўяди.

Ваҳоланки, иқтидорли талабанинг ривожланиши шу қадар жадал бўлиши керакки, бундай ҳолда таълимнинг ўзи унга мослашиши, индивидуал таълим траекториясини қуриши лозим.

Эътибор беринг, олий таълим профессорлари ўртасида ўтказилган сўровлар қизиқ манзарани очади. Иқтидорни аниқлашда энг кўп тилга олинган мезонлар — турли даражадаги олимпиадаларда иштирок (59,5 фоиз) ва истеъдодли ёшга хос шахс хислатлари (48,6 фоиз). “Иш қайси ёшдан бошланиши керак?” деган саволга кўпчилик мактаб (40,5 фоиз) ва ҳатто мактабгача ёшни (29,7 фоиз) кўрсатган. Олийгоҳда эса энг самарали шакл сифатида илмий раҳбар билан якка тартибдаги иш (81,1 фоиз) ҳамда илмий тўгарак ва лабораториялардаги фаоллик (45,9 фоиз) тан олинган.

Демак, иқтидор ёшликдан изланиши, олийгоҳда эса илмий ижод орқали вояга етиши керак. Чунки иқтидорли талабани ўртача оқимга мослаш эмас, аксинча, таълимни унинг қобилиятига мослаштириш лозим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишда салмоқли қадамлар қўйилди. Иқтидорли болаларни эрта аниқлаш учун Президент, ижод, аниқ ҳамда табиий фанлар бўйича ихтисослаштирилган (STEAM) мактаблар тизими барпо этилди. Хорижнинг етакчи университетларида таҳсил олиш имконини “Эл-юрт умиди” жамғармаси очиб бермоқда. Президент стипендияси, давлат стипендиялари, халқаро олимпиада ҳамда танловлар — буларнинг барчаси иқтидорни рағбатлантиришнинг амалдаги воситаларига айланди. Айниқса, Президент ва ижод мактаблари битирувчиларининг олий таълим муассасаларига йўли енгиллаштирилди. Демак, “мактаб — олийгоҳ” риштаси аста-секин мустаҳкамланмоқда.

Бунинг жонли мисоли сифатида Президент мактаблари тажрибасини келтириш мумкин. Масалан, 2026 йилда Тошкентда ўтган 38-халқаро информатика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси тўртта медални қўлга киритди. Бу натижа иқтидорни мактаб босқичида аниқлаб, замонавий фанлар, менторлик ҳамда халқаро рақобатга тайёрлаш орқали қандай амалий самарага эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Яна бир амалий мисол: “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижда таълим олаётган ёшлар тажрибаси. Масалан, мактаб даврида фан олимпиадалари ва илмий лойиҳаларда фаол қатнашган йигит-қиз кейинчалик нуфузли хорижий университетда муҳандислик, ахборот технологиялари ёки биотехнология йўналишида таҳсил олиб Ўзбекистонга қайтгач, илмий лаборатория, стартап ёки таълим дастурларида ўз билимларини амалиётга татбиқ этиши мумкин. Бундай йўл иқтидорни фақат мукофот ёки стипендия билан эмас, балки узоқ муддатли илмий ва касбий траектория билан қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатади.

Шунга қарамай, тизимли ёндашув энг кам ривожланган бўғин айнан олий таълимдир. Мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус таълимда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича изланишлар анча олдинга кетган бўлса, олийгоҳ даражасида бундай тизимли тадқиқотлар етарли эмас. Натижада мактабда парваришланган иқтидор университетда ўз ривожини топмай қолиши мумкин.

Хўш, масалани ечиш учун нима қилиш керак? Бу борада мутахассислар бир неча йўналишни таклиф этади.

Биринчидан, якка таълим режаси, лойиҳалар, лабораториялар орқали ҳар бир қобилиятли талабага илмий тадқиқот фаолияти орқали ўзини намоён этиш имкони берилиши керак.

Иккинчидан, бундай талабалар билан ишлайдиган ўқитувчининг ўзи ижодкор, иқтидорни аниқлаш ва ривожлантиришнинг замонавий услубларини эгаллаган бўлиши шарт. Бу иш ҳатто доцент ва профессор унвонини бериш мезонларига киритилиши мумкин.

Учинчидан, иқтидор билан ишлашнинг илғор тажрибасини мунтазам ёритиб борадиган махсус нашр ёки доимий рукн зарур.

Тўртинчидан, қўшма кенгашлар, масофавий таълим, “Устоз — шогирд” анъаналари асосида “мактаб — олийгоҳ” ҳамкорлигини институционал даражада мустаҳкамлаш лозим.

Тасаввур қилинг, оддий бир манзара: туман мактабида ўқийдиган бола кечқурун дарсдан кейин масала ечиб ўтирибди. Унинг уйида катта лаборатория йўқ, кутубхонаси ҳам бой эмас, аммо кўнглида катта ишонч бор. Устози уни тўгаракка чақирган, отаси йўлкирасига пул топиб берган, онаси эса ҳар куни “болам, яхши ўқигин, ўқишдан тўхтама” деб дуо қилади...

Агар шу бола мактабдан кейин олийгоҳда ҳам ўзини топса, илмий раҳбар, лаборатория ҳамда ҳақиқий имкониятга эга бўлса, эртага у фақат ўз оиласининг эмас, бутун маҳалласи ва юртимизнинг фахрига айланади. Шу боис иқтидорни йўқотмаслик — бир боланинг орзусини асраш, бир оиланинг умидини қўллаш, Янги Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишонч билан қараш демакдир.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

Erieltor

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ — 142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, “Нурафшон” МФЙ, Аҳиллик кўчаси, 2-“А”уйда жойлашган ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари;

Оққўрғон тумани, Собир Раҳимов номидаги МФЙ, Чароғон кўчаси, 25-уйда жойлашган якка тартибдаги тураржой;

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, “Қўштепа” МФЙ, Фахрийлар кўчаси, 34-“А” уйда жойлашган тўйхона биноси сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти бор.

*Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **“e-rieltor.uz”** платформаси орқали ариза беришлари керак.*

Call-марказ:
+998-55-517-22-20.
Расмий сайтимиз:
www.e-rieltor.uz

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини шакллантириш ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида «Ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун фазовий маълумотлар инфратузилмаси» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —01.35 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6